

**Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва
виночилик илмий-тадқиқот институти**

К. И. Байметов, Е. А. Шредер, Ш. М. Ахмедов

**Ўзбекистон фермер хўжаликларида анор кўчатларини
кўпайтириш технологияси бўйича
тавсиялар**



Тошкент – 2015



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

**Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC**

Ушбу тавсиялар Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Тавсиялар Тошкент давлат аграр университети Ўрмончилик ва экология кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори А.Қ.Қайимов умумий таҳрири остида Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти мева-резавор экинлари ва узум бўлими мудир қишлоқ хўжалик фанлари доктори К.И.Байметов, Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Мевали экинлар селекцияси ва навшунослиги бўлими илмий ходимлари Е.А.Шредер ва Ш.М.Ахмедовлар томонидан тузилган. Бундан фермер хўжаликлари ва арендаторлар анор кўчатини етиштиришда амалий қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУваВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон ҚФЙ, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82; **Факс:** (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Муқовада: У.Жуманиёзов қишлоғи Беруний тумани, Қорақалмоғистон Республикасидан фермер Хожибоев Рустамнинг оналик анор боғи.

Мундарижа

Кириш	4
Оналик анор боғи	5
Анор кўчатзорини барпо этиш.....	5
Қаламча тайёрлаш ва уни сақлаш.....	5
Қаламчаларни экиш	6
Анор кўчатзорини парвариш қилиш.....	6
Кўчатларни ковлаб олиш	7
Кўчатзорни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш	7
Фойдаланилган адабиётлар	7

Кириш

Анор Ўзбекистонда энг кенг тарқалган субтропик экинлардан биридир.

Республикамизнинг жанубий ҳудудларида – Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ва Фарғона водийсида анорнинг катта боғлари барпо этилган.

Ҳозирги кунда Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида ўтказилган кузатувлар анорнинг ҳамма жойда кенг тарқалганлигини, фермер хўжаликларида ва томорқаларда етиштирилаётганини кўрсатди.

Анор мевали, доривор ва манзарали экин ҳисобланади. Бу ерда қулай тупроқ-иқлим шароитларининг мавжуд бўлиши маҳаллий навлар мажмуисини шаклланишига олиб келди.

Анор тез ҳосилга кирувчи ўсимлик. Ҳосилга экилгандан сўнг 3-4 йил киради. Қишга чидамсизлиги унинг камчилиги ҳисобланади. Шунинг учун у кўп ҳудудларда қиш ойларида кўмилади.

Анор жой танламайдиган ўсимлик бўлиб ҳар хил тупроқларда ўсади ва фермер хўжаликлари анор боғларидан юқори ҳосил олишади.

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Дашнобод қишлоғидан [2] Қурбонов Жалил, Шеробод тумани Кампир тепа қишлоғидан Якубов Суюндик ҳар гектар анор боғидан 20-25 тонна ҳосил олишади. Қорақалпоғистон республикаси Беруний тумани У.Жуманиёзов қишлоғидан Хожибоев Рустам оғир шароитларда (шўрланган тупроқ, кучли совуқлар) гектаридан 12-15 тонна анор мевасини етиштираяпти.

Республикамиз фермер хўжаликларида анорнинг 7 та нави етиштирилмоқда. Уларнинг ҳаммаси халқ селекцияси навларидир. Шулардан иккита нав – Аччиқ дона ва Қизил анор Ўзбекистон республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестрига киритилган [3].

Фермер хўжаликларида етиштирилаётган анорнинг навлар мажмуиси жуда чекланган. Табиийки, мавжуд навлар мажмуисини такомиллаштириш, анор навлари хилма-хиллигини ошириш зарур. Бунинг учун фермер хўжаликларида янги навларни жорий қилиш, кам ҳосилли қариган анор боғларини қайта тиклаш, мавжуд боғларни кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш лозим.

Шу сабабдан анор навларини кўпайтиришга катта эътибор беришимиз керак.

Кузатишлар баъзи-бир фермерларнинг анор кўчатларини кўпайтиришда технологик талабларга риоя қилмаслигини кўрсатди. Натижада кўчатлар сони ва сифати пасайиб кетади. Улар оналик навлар боғига жуда кам эътибор беришади. Қаламчаларнинг илдиз олиши секин кечади ва стандарт кўчатларнинг чиқими пасаяди.

Ушбу тавсиялар фермерлар учун анор кўчатларини кўпайтиришда амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Оналик анор боғи



Расм 1. Анор нав она ўсимлик тупи.

тозалиги бўйича апробациядан ўтказилади. Боғда туплари юқори агрофонда ўстирилиб, тупларнинг ўсиш ва ривожланишига ҳамма шароит яратилиши лозим (расм-1). Бунинг учун ҳар йили 10-15 т/га гўнг, 240 кг/га азот, 120 кг/га фосфор ва 30 кг/га калий солинади [4].

Анор уруғлари, илдиз олди бачкилари ва қаламчалари билан кўпаяди. Энг самарали усул анорни қаламчалар билан кўпайтириш ҳисобланади. Анорнинг соғлом кўчатларини олиш учун фермер хўжалигида оналик навлари ёки оналик туплари бўлиши керак. Кўпайтирилаётган навларнинг туплари хўжалиқда етиштирилиши ва улардан қаламчалар олиниши лозим. Улар касал ва зараркунандалардан холи бўлиб нав

Анор кўчатзорини барпо этиш

Кўчатзор учун текис, сув билан таъминланган, қуёш нурлари яхши тушадиган, қуруқ ва совуқ ҳаволардан ҳимояланган ерлар керак. Унумдор бўз, енгил ва ўрта қумоқ тупроқ кўчатзор учун яхши ҳисобланади.

Механик таркиби оғир, шағалли, шўрланган, ботқоқлашган ерлар анор кўчатзори учун тўғри келмайди.

Қаламчаларнинг яхши илдиз олиши ва стандарт кўчатлар етиштиришда кўчатзор учун ер тайёрлаш жуда муҳимдир. Анор кўчатзорининг яхши ривожланишига тупроқни ҳайдаш чуқурлиги муҳим аҳамиятга эга. Тупроқни 35 см чуқурликда ҳайдаш мақсадга мувофиқ. Бунда 20-30 т/га органик ўғитлар ва 90 кг/га фосфор солинади. Эрта баҳорда шудгор борона қилинади. Қаламчаларни экишдан олдин чизеллаб яна борона солинади.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳавонинг келишига қараб 10-15 мартгача, баъзан февраль ойида, шимолий ҳудудларда апрель ойигача экилади.

Қаламча тайёрлаш ва уни сақлаш


Қаламча апробация қилинган юқори ҳосилдор она туплардан тайёрланади. Бу келажақда навнинг ўртача ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради. Новдаларнинг ўрта қисмидаги қаламчаларда илдиз отиш ва стандарт кўчатларининг чиқиши юқори бўлади, 5-10 см узунликдаги икки йиллик новдалари билан олинган бир йиллик қаламчаларнинг илдиз чиқариши анча секин ўтади. Бир йиллик қаламчаларнинг илдиз олиши ва ўсиши 2 ва 3 йиллик новдалардан олинган қаламчаларга қараганда 30 кун илгари бошланади.

Қаламчаларнинг кўчатзорда илдиз олишига уларнинг катта-кичиклиги ҳам таъсир кўрсатади. Қаламчаларнинг диаметри камида 8-10 мм ва узунлиги 25-30 см бўлиши лозим. Бундан кичик бўлган қаламчаларда илдиз чиқариш ва кўчат чиқими кам бўлади. Лекин 30 см дан узунроқ бўлган қаламчалар билан ишлаш анча ноқулай ва экиш материаллари кўп сарфланади. Анор қаламчаларида жадал илдиз олиши 12-14°C да содир бўлади.

Қаламчалар яхши етилган, ҳосилдорлик ва нав бўйича апробациядан ўтказилган она туплар шох-шаббасининг пастки томонида жойлашган йирик новдалардан тайёрланади.

Улар асосан куз ойларида ҳосил йиғиб олингандан сўнг тайёрланади. Баҳорда олинган қаламчалар кўчатзорга кеч экилиши сабабли уларнинг илдиз олиши ва стандарт кўчатлар чиқими паст бўлади. Қаламча учун қирқилган новдаларнинг учки нозик томони қирқиб ташланади, ён шохларидан тозаланади. Улар далага экилганча чуқурлиги 0,75-1,0 м, ва эни 1,0-1,3 м келадиган траншеяларда сақланади. Новдалар траншеяларда кўндалангига горизонтал ҳолатда жойлаштирилади ва устига 3-4 см нам тупроқ тортилади. Унинг устига иккинчи қатор жойлаштирилади ва ҳоказо. Траншея устига 30-35 см тупроқ ташланади.

Қаламчаларни экиш



Расм 2. Анор қаламчалари:

а – қаламчани экиш, б – илдиз отган қаламча.

қисми тупроқ сатҳидан 5-6 см балангликда бўлиши керак. Кейин трактор билан суғориш эгатлари олинади ва қаламчаларини устки қисми тупроқ билан қўмилади. 1 га ерга 90-110 минг дона қаламча экилади. Экишдан сўнг кўчатзор суғорилади ва натижада қаламча атрофидаги тупроқлар зичлашиб илдиз олишини тезлаштиради (расм-2).

Экишдан олдин траншеялардан новдалар олиниб, узунлиги 25-30 см келадиган қаламчалар кесилади. Новдани пастки томони куртақнинг тагидан қия кесилади, учки томони куртақдан 2 см юқориқдан кесилади. Тайёрланган қаламчалар бир неча соатга тоза сувда ушланади, кейин экилади. Экиш усуллари ҳар хил бўлиб, трактор ёрдами билан ёки қўлда экиш мумкин. Текисланган далада чопиқ трактори билан чуқурлиги 25 см, қатор оралари 70 см қилиб тирқиш олинади. Тирқишга ҳар 10-15 см ораликда қаламчалар қўйилади. Қаламчалар устки

Анор кўчатзорини парвариш қилиш

Қаламчаларнинг яхши илдиз олиши ва юқори сифатли кўчатлар етиштириш учун агротехник тадбирларни ўз пайтида бажариш лозим. Одатда анор қаламчаларининг илдиз олиши 80-90%, стандарт кўчатларини чиқими 90-100%

ташкил этади. Қаламчаларнинг илдиз олишига ва кўчатларнинг ривожланишига биринчи 2-3 ой суғоришлари яхши самара беради.

Вегетация давомида 12-15 марта қуйидаги схема бўйича кўчатзор суғорилади: апрель – 1-2 марта, май – 2, июнь – 3, июль – 3, август – 2-3, сентябрь – 1-2 марта суғорилади. Шимолий ҳудудларда охириги суғориш сентябрнинг бошида, жанубда – сентябрнинг 2-3 декадаларида ўтказилиши керак.

Ёз давомида 3-4 марта культивация, 3-4 марта қаторларни юмшатиш, бегона ўтларни олиб ташлаш керак. Кўчатларни ўсиш ва ривожланишини кучайтириш мақсадида май – июнь ойининг бошларида ва июль ойининг охирида 35-40 кг/га азот билан озиқлантирилади.

Кўчатларни қовлаб олиш

Кўчатлар кузда октябрь ойининг охири ноябрь ойларида қовланади. Қовлашдан олдин кўчатзор суғорилади.

Кўчатлар қовлаб олингандан сўнг улар 2 стандарт навларга сараланади.

Биринчи нав – узунлиги камида 50 см дан бўлган 2-3 асосий, шаклланган новдаларга, узунлиги 30 см дан кам бўлмаган илдиз системасига эга бўлган кўчатлар.

Иккинчи нав – узунлиги камида 30 см бўлган 1-2 асосий, шаклланган новдаларга, узунлиги 20 см дан кам бўлмаган илдиз системасига эга бўлган кўчатлар киради.

Ўсишдан орқада қолган, илдиз системаси ожиз, яхши ривожланмаган (узунлиги 20 см дан кам) кўчатлардан ишлаб чиқаришда фойдаланилмайди. Улар қайта экилиб парвариш қилинади.

Карантин касалликлари билан зарарланган, кучли шикастланган кўчатлар йўқотилади (ёқиб ташланади).

Кўчатзорни зарарқунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш

Кўчатзорда мунтазам равишда касал ва зарарқунандаларга қарши кураш чораларини олиб бориш керак.

Анорнинг энг кўп тарқалган зарарқунандаларидан бири – *анор битидир*. Зарарланган кўчатларда баргларнинг тўкилиши, ёш новдаларнинг ўсишдан қолиши кузатилади. Баҳор ойларида жуда тез кўпаяди. Ёзда анча камайиб куз ойларида яна кўпаяди.

Кураш чоралари: кўчатларга Карбофос, Фозалон, БИ-58, Дурел препаратларидан фойдаланилади.

Ўргимчаккана. Кўчат баргларининг орқа томонида яшайди. Баргларнинг ранги ўзгариб тўкилиб кетади. Кўчат танасида, новдаларида куртак атрофида қишлайди. Уларга қарши кураш чоралари: 0,1-0,15% Неорон, Омайт, Изофен препаратлари ишлатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедов Х.М., Ахмедов Т.А., Камалов Н. и др. Гранат и особенности его выращивания в Таджикистане. Душанбе, 2010.

2. Бутков Е.А. Опыт выращивания граната фермера Курбанова Жалила. Ташкент, 2010.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестри. Тошкент, 2014. 94 стр.
4. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. Плодоводство Узбекистана. 2-изд. с изм. и доп. Ташкент, 1972.